

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DS.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АСРОРОВ АКМАЛ МАЖИТОВИЧ**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ  
ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ ҒЎЗАДАГИ БАЪЗИ ФАОЛ БИРИКМАЛАР  
БИОСИНТЕЗИГА ТАЪСИРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по  
химическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Асроров Акмал Мажитович**

Кўсак қуртига қарши кенг қўлланилувчи инсектицидларнинг ғўзадаги баъзи  
фаол бирикмалар биосинтезига таъсири .....3

**Асроров Акмал Мажитович**

Действие широко применяемых инсектицидов против хлопковой совки на  
биосинтез некоторых активных соединений хлопчатника.....21

**Asrorov Akmal Majitovich**

Effects of insecticides, widely used against cotton bollworm, on biosynthesis of  
some active compounds in cotton plant.....38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....41

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DS.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АСРОРОВ АКМАЛ МАЖИТОВИЧ**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ  
ИНСЕКТИЦИДЛАРНИНГ ҒЎЗАДАГИ БАЪЗИ ФАОЛ БИРИКМАЛАР  
БИОСИНТЕЗИГА ТАЪСИРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/K88 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.biochem.uz](http://www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салихов Шавкат Исмаилович**  
биология фанлари доктори, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Рамазанов Нурмурод Шералиевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Мавлонов Ғафуржон Турдалиевич**  
кимё фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги 27.06.2017.К.В.Т.13.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» март соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262 35 40, факс (99871) 262 70 63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262 35 40, факс (99871) 262 70 63), e-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат 2018 йил «\_\_\_\_\_» февраль куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» февралдаги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.С.Тураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, к.ф.д., академик

**М.И.Асраров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.д., профессор

**А.А.Ахунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда зараркунанда хашаротларнинг салбий таъсирига қарши ўсимликлар чидамлилигининг молекуляр механизмларини ва бу жараёнлардаги химоявий бирикмалар ролини тадқиқ қилиш биоорганик кимё, молекуляр биология ва ўсимликлар биохимиясининг долзарб йўналиши ҳисобланади. Ўсимликлар ҳосилини зараркунанда хашаротлар, патогенлар, бегона ўтлар, бактерия ва вирусли касалликлардан химоя қилиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўринда бўлиб замонавий агрономиянинг муҳим бўғимидир.

Ҳозирги кунда жаҳонда кўсак қуртига қарши инсектицидларнинг интенсив қўлланилиши пахта далаларида шира ва ўргимчаккана каби сўрувчи зараркунандалар популяциясининг кескин ортишига олиб келиши тез-тез кузатиб турилади. Бу инсектицидларларнинг ғўза баргларидаги озуқавий моддалар - эрувчан оксиллар, аминокислоталар ва қандлар; химоявий ферментлар ҳамда терпеноид табиатли бирикмалар каби биотик ва абиотик омилларга қарши ўсимлик химоясини таъминловчи бирикмалар биосинтезига таъсир этиши билан тушинтирилади. Хорижлик олимлар томонидан дельтаметрин, циперметрин, фенвалерат каби инсектицидларнинг ғўзанинг биокимёвий параметрларига таъсири аниқланган. Шунга боғлиқ равишда ғўзадаги сўрувчи зараркунандаларга нисбатан озуқавий қийматли белгиловчи моддаларга ва ўсимликнинг химоя тизимини белгиловчи метаболитлари ва ферментларига пестицидларнинг таъсирини комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўсимликларни зараркунанда хашаротлардан сақлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Хусусан препаратларнинг вегетация даври ва бошқа омилларга боғлиқ равишдаги хашаротларга самарали таъсир этувчи концентрациялари аниқланди. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда дунё бўйича зараркунанда хашаротлар таъсирида нобуд бўладиган пахта ҳосили 21-24% ни ташкил қилади<sup>1</sup> ва зарурий тарзда ўсимликларга инсектицид препаратлари билан ишлов берилади. Пахта ҳосилини асраш мақсадида қўлланилаётган инсектицидлардан самарали фойдаланиш учун уларнинг ўсимлик биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3 йўналишида «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда кенг қўлланилаётган инсектицид препаратларининг ўсимликларга таъсирини аниқлаш долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига

<sup>1</sup> <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261219403002540>

агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит ҳимояси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қатор хорижлик олимлар томонидан пестицидларнинг ўсимликларга тизимли ва интеграциялашган таъсирини баҳолаш ишлари олиб борилганда, пестицидлар аккумуляцияси ўсимликларнинг ўсишига ва ривожланишига таъсир қилиши ва уларда метаболит ўзгаришларни келтириб чиқариши аниқланган. R.Ravindhran ва A.Xavier (1997) пиретроид инсектицидлар билан ғўзага ишлов берилиши ғўза шираси (*Aphis gossypii*) популяциясининг индуцирланишига олиб келишини, дельтаметрин билан ишлов берилиши ўсимлик баргларида умумий қанд моддалар миқдорининг ортишига ва фенол моддаларнинг камайишига олиб келишини аниқлашган. R.Kumar ва ҳаммуаллифлари томонидан циперметрин, монокротофос, спинозад препаратлари таъсирида унсимон курт (*Phenacoccus solenopsis*) популяциясининг ортиш даражалари аниқланган. Муаллифлар томонидан ушбу феноменнинг сабаби ўсимликдаги биокимёвий ўзгаришлар ва зараркундалар физиологияси билан боғлиқ эканлиги келтирилган ҳамда муаммонинг ечимини аниқлаш учун кенгроқ камровли ва тизимли тадқиқотлар олиб борилиши зарурлиги хулоса қилинган. С.А.Jaleel ва ҳамкасблари томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса пуштиранг катарантус (*Catharanthus roseus*) баргларида триадимефон таъсирида хлорофилл миқдорининг ортганлиги ва гидролаза ферментлари фаолликларининг камайганлиги кўрсатиб берилган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларда В.В.Узбеков ва Ш.Э.Намазов ғўза таркибидаги (+) - госсипол ва ўсимликнинг кўсак курти таъсирига чидамлилиги ўртасида корреляция мавжудлигини аниқлашган. Бу боғлиқлик хашарот ҳазм трактида ўсимлик банди ва барги яшил массаси ўзлаштирилишининг самараси (+) - госсипол томонидан юқори эҳтимоллик даражасида камайтирилиши билан тушинтирилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-ФЗ–Т140 «*Malvaceae* оиласи ўсимликлари терпеноидлари, ўсимлик ва ҳайвон манбаалари биофаол пептидларининг идентификацияси ҳамда уларнинг антимикроб, инсектицид ва канцеролитик фаолликлари молекуляр механизмларининг тадқиқи» (2007-2011) ҳамда

И5-ФА-0-18897 «Зараркунанда хашаротларга нисбатан чидамлиликини экспресс баҳолаш комплекс технологиясини ғўза селекцияси ва уруғчилигига жорий қилиш» (2012-2013) мавзуларидаги фундаментал ва инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғўза иккиламчи метаболитлари ва химоявий оксилларининг абиотик стрессга чидамлилики индикаторлари сифатидаги ролини аниқлаш, ўсимликнинг сўрувчи зараркунандалар - ғўза шираси ва ўргимчакканага нисбатан чидамлилигига инсектицидларнинг салбий таъсирларини баҳолашнинг комплекс методологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли синф инсектицидлари қўлланилиши натижасида шира ва ўргимчаккана сонининг ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш;

назорат ва инсектицидлар таъсир эттирилган ғўза баргларидаги озукавий моддаларнинг йиғилиш динамикасини тадқиқ қилиш, эпидермис ва флоэма ширасининг озукавий қийматини белгилаш учун эркин аминокислоталар спектрининг солиштирма таҳлилини амалга ошириш;

ғўза баргларидаги терпеноид альдегидларнинг умумий ҳамда алоҳида компонентлар: госсипол, Н1-Н4 гелиоцидлар, ва уларнинг прекурсорлари миқдорининг инсектицидлар таъсиридаги ўзгаришларини юқори самарали суюқлик хроматографияси ёрдамида солиштириш;

зараркунанда хашаротлар таъсирига нисбатан химоявий тизимни шакллантирувчи биокимёвий реакциялар бориш самарадорлигининг индикатори сифатида ғўза баргларидаги оксигеназалар фаолликларининг инсектицидлар таъсиридаги ўзгаришларини аниқлаш;

ғўза геномида хитиназаларни классификациялаш мақсадида *in silico* таҳлилини амалга ошириш, шунингдек ғўза барглари гидролаза ферментлари фаолликларининг инсектицидлар таъсиридаги ўзгаришларини тадқиқ қилиш;

ғўзанинги абиотик стресс омилларга нисбатан чидамлилигининг индикаторлари сифатида тиол гуруҳлар миқдорининг инсектицидлар таъсиридаги ўзгаришини тадқиқ қилиш;

таъсири таҳлил қилинаётган инсектицид билан ишлов берилиши натижасида ғўза баргларидаги миқдорий ва таркиб ўзгаришлар кузатиладиган оксиллар типини аниқлаш учун протеом таҳлилини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ғўза (*G.hirsutum*) нинг дала шароитида ўстирилган С 26 ва Дейзи 80 навлари, инсектицидлар: пиретроидлар, фосфорорганик бирикмалар, карбаматлар, никотиноидлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ғўзадаги иккиламчи метаболитларнинг миқдорий параметрлари ўзгаришлари ҳамда химоявий оксиллар биологик фаолликларининг таҳлили ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида экстракциялаш, ажратиш, тозалаш, колонкали хроматография, гел хроматографияси, юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), хромато-масс спектрометрия,

оқсилларнинг протеом анализи, электрофорез, ғўза геномидаги генларнинг *in silico* идентификацияси ва калориметрия усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пиретроидлар таъсирида ғўза баргларидаги антифидант терпеноид альдегидлар миқдорининг камайиши аниқланган;

ғўза баргларидаги глутатион ва умумий тиол гуруҳлар миқдори инсектицидлар таъсирида мос тарзда ўзгарганлиги аниқланган;

суми-альфа препарати билан ишлов берилган ғўза баргларида рибулоза-1,5-бисфосфат карбоксилаза (RuBisCo) нинг янги полипептиди ҳосил бўлганлиги ва унинг қисман аминокислота кетма-кетлиги исботланган;

суми-альфа препарати таъсирида элонгация фактори ва фруктозо-бисфосфат альдолаза ферментлари миқдорининг ортиши ва ферментлар изоформаларининг қисман аминокислота таркиби исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

зараркунанда хашаротларга қарши ҳимоявий тизимнинг компонентлари сифатида ғўза ҳимоявий бирикмаларининг метаболомик ва протеомик таҳлилларининг комплекс методологияси яратилди;

назорат ва инсектицидлар билан ишлов берилган ғўза баргларининг сўрувчи зараркунандаларга қарши чидамлилигини белгиловчи иккиламчи метаболитларининг миқдорини аниқлаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ажратиб олинган моддаларни тадқиқ қилишда замонавий физик ва кимёвий тадқиқот усулларидадан икки-ўлчамли электрофорез, юқори самарали суяқлик хроматографияси, хромато-масс спектроскопия, колориметрия усулларидадан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Олинган натижаларнинг исботи бўлиб мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижаларининг халқаро илмий конференциялардаги муҳокамаси ва рецензияланган илмий нашрларда чоп этилганлиги хизмат қилади.

**Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пиретроид инсектицидлар билан ишлов берилиши натижасида, шира ва ўргимчаккана популяциясининг ортиши, препаратлар таъсирида ғўза баргларида озучавий моддалар миқдорининг кўпайиши ҳисобига ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларга нисбатан мойиллигининг ортиши ҳамда антифидант бирикмалар бўлган терпеноидлар миқдори ва ҳимовий оқсиллар фаоллигининг камайиши ҳисобига ўсимлик чидамлилигининг пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, инсектицидлар қўлланилиши натижасида кузатиладиган ғўзадаги биокимёвий жараёнларни баҳолаш ва ҳосил бўладиган маҳсулотларни идентификация қилишга қаратилган методик ёндашувларнинг ишлаб чиқилганлиги ғўзанинг турли хил зараркунанда хашаротларга қарши уйғунлашган ҳимоя тизимини такомиллаштиришга олиб келган. Тадқиқот натижалари ғўза ҳимоя тизимидаги параметрларни аниқлаб, улардан янги нав ва линияларни

етиштиришда чидамликни белгиловчи индикаторлар сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзадаги биокимёвий жараёнларга турли синф инсектицидларининг таъсирини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га киритилган инсектицидлар - аваунт, каратэ, суми-альфа, циперметрин, ланнейт ва карбофоснинг қўлланилиши таъсирида ғўзанинг иккиламчи метаболитларидаги миқдорий ўзгаришларни баҳолаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган (Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари Давлат комиссиясининг 2017 йил 13 ноябрдаги 2-5-187-сон маълумотномаси). Ушбу методик тавсиялар зараркунандаларга қарши кимёвий воситаларни қўллаш тизимига маълум таркибий ўзгартиришларни киритилиши имконини берган;

ланнейт препарати таъсирида ғўза баргларидаги полифенолоксидаза ва хитиназа ферментлари фаолликларининг ортиши КХА-9-054-рақамли «Экинларни навбатлаб экиш тизимининг ўзгариши ҳамда такрорий экиладиган ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан химоялашни назарда тутиб ғўзани уйғунлашган химоя қилиш тизимини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳада турли инсектицидларнинг ўсимликка таъсирини белгилашда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 20 ноябрдаги ФТА-02-11/1120-сон маълумотномаси). Натижада нишон қилиб олинган ўсимлик зараркунандасига ланнейт препаратининг самарадорлигини аниқлаш имконини берган;

ғўза геномидаги хитиназаларнинг *in-silico* таҳлили бўйича олинган илмий натижалар Кирил ва Мефодий университетиде эътироф этилган ва илмий манба сифатида фойдаланилган (Словакия Республикаси Кирил ва Мефодий университетининг 2017 йил 17 августдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ўсимликлардаги оксилларнинг функционал эволюция принципларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Инсектицидларнинг селектив таъсири ва ўсимликларнинг зараркунанда хашаротлардан химояланиш механизмлари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, зараркунанда хашаротларга нисбатан химоявий тизимнинг ривожланишига жавобгар бўлган ўсимликнинг биокимёвий параметрлари таҳлил қилинган, замонавий инсектицидларнинг классификацияси ва таъсир механизмлари баён қилинган, ўсимликларнинг биокимёвий жараёнларига пестицидларнинг салбий таъсирлари бўйича мисоллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўзанинг флоремадан озикланувчи зараркунандаларга нисбатан озукавий қийматини белгиловчи моддаларига инсектицидларнинг таъсири**» деб номланган иккинчи бобида турли синф инсектицидларининг ўза баргларидаги қандлар, оксиллар ва эркин аминокислоталар миқдорига таъсири бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Турли синфларга мансуб инсектицидлар таъсиридан кейинги вақт оралиғида оксиллар, қандлар ва аминокислоталар миқдорининг ўзгариш динамикаси кўрсатилди.




**1-расм. Инсектицидлар билан ишлов берилиши натижасида ўза баргларида эрувчан оксиллар миқдорининг ўзгариши ( $P \leq 0.05$ )**

Олинган натижалар пиретроидлар назорат билан солиштирганда оксиллар миқдорини 4-кундан бошлаб сезиларли даражада, 10-16 кунларда максимал кўрсаткич билан назоратга нисбатан 6 баробарга оширганлигини кўрсатади. Шу билан бирга карбофос ўсимлик баргларидаги оксиллар

миқдорини амалий жиҳатдан ўзгартирмаган (1-расм).

Қайтарувчи қанд моддалар динамикасининг ўзгариши бўйича олинган натижалар суми-альфа, циперметрин ва аваунт икки ҳафта давомида қандлар миқдорини индукциялаганлигини кўрсатади. Ишловнинг 4-10 кунларида ушбу инсектицидлар қандлар миқдорини ўртача 30-40% га оширган. Ушбу инсектицидлар билан ишлов бериш қандлар ва оксиллар ҳосил бўлишини стимуллади ва озуқавий моддалар миқдори ортиши ҳисобига сўрувчи зараркунандалар учун ғўзанинг янада мойилроқ бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлиши мумкин (2-расм).



**2-расм. Инсектицидлар билан ишлов берилган ғўза баргларида қайтарувчи қанд моддалари миқдорининг ўзгариши ( $P \leq 0.05$ )**

Шунингдек карбофос дастлабки 7 кун давомида, каратэ эса 7-10 кунлар оралиғида қанд моддалар миқдорини сезиларли даражада орттирганлиги аниқланди (2-расм).

#### 1-жадвал

#### Ғўза баргларидаги эркин аминокислоталар миқдорининг ўзгариши

Нав: С 26	Назорат	Карбофос	Ланнейт	Суми-альфа
<b>Алмашинадиган аминокислоталар (µМоль/г барг)</b>				
10 кун	16,398±0,044	<b>19,19±0,054</b>	17,272±0,052	11,652±0,042
13 кун	13,862±0,049	<b>16,818±0,054</b>	<b>25,229±0,067</b>	<b>17,775±0,064</b>
<b>Алмашинмайдиган аминокислоталар (µМоль/г барг)</b>				
10 кун	8,382±0,029	<b>13,449±0,043</b>	<b>10,12±0,033</b>	<b>11,39±0,033</b>
13 кун	9,61±0,036	<b>12,967±0,037</b>	<b>16,048±0,046</b>	<b>13,331±0,042</b>
<b>Эркин аминокислоталар (µМоль/г барг)</b>				
10 кун	24,780±0,073	<b>32,639±0,102*</b>	<b>27,392±0,085*</b>	23,04±0,075
13 кун	23,472±0,085	<b>29,785±0,091*</b>	<b>41,277±0,113*</b>	<b>31,106±0,106</b>
<b>Умумий азот (қуруқ массага нисбатан фоиз ҳисобида)</b>				
10 кун	4,42±0,18	4,15±0,17	<b>5,27±0,22</b>	4,68±0,19
13 кун	4,55±0,18	4,27±0,17	<b>5,19±0,21</b>	4,62±0,18

Аминокислоталар флоэма шираси таркибига кириши ва шунга кўра шира ва ўргимчаккана каби сўрувчи зараркунандалар учун озуқавий моддалар эканлигидан келиб чиқиб, кейинги тадқиқотларимизларда учта

турли синф инсектицидлари – карбофос, ланнейт ва суми-альфанинг ғўза баргларидаги эркин аминокислоталар миқдорига таъсири тадқиқ қилинди (1-жадвал). Олинган натижалар барча ишлов берилган барг намуналарида алмашинмайдиган аминокислоталар миқдорининг ортганини ва умумий аминокислоталар миқдори эса 13-кунги намуналардагина ортганлигини кўрсатади. Азот миқдоридаги сезиларли фарқлар фақат карбаматлар вакили ланнейт таъсиридагина юзага келди. Азот ва эркин аминокислоталар миқдори ўзгаришида ўзаро мувофиқликлар кузатилмади.

Пиретроидлар ва аваунт эрувчан оксил ва қандлар миқдорини ошириши ҳисобига сўрувчи зараркунандалар учун ғўзанинг мойиллигини оширади. Суми-альфа таъсирида ғўза баргларида алмашинмайдиган аминокислоталар миқдорининг ортиши эса қанд моддалар ва эрувчан оксиллар миқдорининг ортишига мос тушади.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг хашаротларга чидамлилигига инсектицидларнинг таъсири ва протеомик таҳлиллар**» деб номланган учинчи бобида ўсимлик ҳимоя тизимини белгиловчи моддалар миқдорий параметрлари ва фаолликларидаги ўзгаришлар келтирилган.

Ғўзада аниқланган терпеноид альдегидлар антифидант сифатида таъсир кўрсатиб хашаротларга қарши чидамликни таъминланишига ҳисса қўшади. Иккиламчи метаболитларнинг энг муҳим синфларидан бири бўлган терпеноидларнинг биосинтези дельта-кадиненсинтаза иштирокида боради. Абиотик ва биотик стресс омилларига жавоб сифатида кадиненсинтаза генининг экспрессияси ва фаолланиши ғўзадаги ҳимоявий механизмнинг муҳим кимёвий компонентларидан бири ҳисобланади. Ҳозирга қадар экзоген стресс фактор сифатида инсектицидларнинг ғўзадаги терпеноидлар миқдори таъсири амалий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган.

## 2-жадвал

### Инсектицидлар билан ишлов берилган ғўза баргларидаги индивидуал терпеноидларнинг таҳлили

Нав: С 26	Кунлар бўйича	Терпеноидлар миқдори, $\mu\text{г} / 100 \text{ мг барг}$							
		HGQ	mHGQ	G	H4	H1	H3	H2	$\Sigma$ терп.
Назорат	10	3,9	0,63	0,38	6,4	37,2	8,6	48,95	106,06
	13	5,2	0,56	0,32	5,9	43,0	5,2	48,12	108,30
Каратэ	10	1,0	0,45	0,17	4,0	20,7	3,7	30,2	60,22
	13	5,4	0,52	0,50	5,9	26,1	*	35,7	74,12
Циперметрин	10	4,9	0,46	0,30	7,2	34,3	*	41,9	89,06
	13	5,2	0,45	0,26	5,7	27,8	*	38,4	77,81
Суми-алфа	10	3,5	0,38	0,22	5,8	30,0	3,6	43,5	87
	13	4,5	0,52	0,27	8,9	38,9	*	47,7	100,79
Аваунт	10	0,63	0,83	0,30	1,9	13,4	*	16,7	33,76
	13	1,1	1,3	0,15	5,7	26,7	*	33,3	68,25
Карбофос	10	1,8	0,52	0,30	5,6	24,4	2,6	30,8	66,02
	13	8,3	0,48	0,39	4,9	22,1	*	28,6	64,77

\*-концентрациянинг жуда пастли сабабли аниқланмаган

Бир қатор тадқиқотларда госсипол ва терпеноид альдегидлар синфига тегишли госсиполга ёндош бирикмалар ҳамда турли ғўза навларининг хашаротлар ва патогенларга қарши чидамлилиги ўртасида корреляциялар борлиги аниқланган. Шунга боғлиқ равишда инсектицидлар таъсиридаги терпеноид альдегидларнинг ўзгариш динамикаси тадқиқ қилинди. Госсипол, Н1-Н4 гелиоцидлар ва уларнинг прекурсорлари: гемигоссиполон (HGQ) ва гемигоссиполон метил эфирининг (mHGQ) миқдори ЮССХ усулида аниқланди. Олинган натижалар ғўзадаги гелиоцидлар ва бошқа терпеноидларнинг миқдори юқоридаги инсектицидлар таъсирида камайганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичлар нафақат сўрувчи зараркунандалар, балки гелиоцидларнинг кўсак қуртига қарши юқори токсикликка эгаллиги жиҳатидан, асосий зараркунандага нисбатан ҳам тесқари самарага олиб келишини намоён қилади (2-жадвал). Озуқавий бирикмалар – қандлар ва оксиллар миқдорининг ортиши фонида бу икки факторнинг синергист таъсири ҳақида фикр юритиш ҳамда ғўзага инсектицидлар билан ишлов берилиши натижасида шира ва ўргимчаккана сонининг ортиб кетиш сабабини тушинтириш мумкин.

Қатор оксил ва оксил табиатига эга бўлмаган тиолларнинг бошқа олтингугурт тутувчи бирикмалар билан бирга ўсимликларнинг стрессга қарши чидамлилигига ҳисса қўшиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Цистеин асосида синтезланувчи, эрувчан антиоксидант бирикма – глутатион эркин радикалларни йўқ қилишда асосий ўрин тутуди ва глутатион-пероксидаза учун донор ҳисобланади. Суми-альфа таъсирида унинг миқдори оксил табиатли умумий тиол гуруҳлар билан биргаликда камайганлиги аниқланди. Шу билан бирга олтингугурт тутувчи аминокислоталар метионин ва цистеин миқдори ортган. Карбофос ва ланнейт таъсирида эса, олтингугурт тутувчи бирикмалар миқдорининг кўпайиши ҳисобига стрессга қарши ўсимлик чидамлилигининг ортиши эътиборга молик (3-жадвал).

3-жадвал

**Ғўза баргларидаги таркибида олтингугурт тутувчи аминокислоталар миқдорининг ўзгариши**



Нав: С 26	Назорат	Карбофос	Ланнейт	Суми-альфа
<b>Метионин (µМоль/г барг)</b>				
10 кун	1,967±0,004	3,489±0,012	2,809±0,008	2,530±0,011
13 кун	2,319±0,006	2,959±0,008	3,486±0,009	2,903±0,009
<b>Цистеин (µМоль/г барг)</b>				
10 кун	2,593±0,006	4,217±0,011	3,505±0,011	2,788±0,006
13 кун	2,591±0,009	3,010±0,008	4,012±0,011	3,224±0,012
<b>Глутатион (µг/г барг)</b>				
10 кун	7,907±0,158	9,218±0,184	9,432±0,189	4,338±0,087
13 кун	4,111±0,082	4,084±0,082	4,411±0,088	1,896±0,038
<b>Тиол гуруҳлар (µМоль/г барг)</b>				
10 кун	169,86±2,47	279,65±11,44	227,75±22,22	123,44±3,64
13 кун	181,28±12,70	197,22±11,30	170,99±12,18	104,91±12,03

Ўсимлик тўқималарида эркин ҳолдаги цистеин ва метиониннинг одатда 10-30  $\mu\text{M}$  дан кўп бўлмаган паст концентрацияси намоён бўлади, бироқ хашаротлар ҳужуми билан юзага келадиган биотик стресс таъсирида глутатион, дефензинлар ва стресс оксиллар каби олтингургуртга бой антистресс фаолликка эга бирикмаларнинг синтези учун уларнинг миқдори зарурий тарзда ортади. Тадқиқотимизда, карбофос ва ланнейт билан ишлов берилган ғўза баргларида, глутатион, унинг прекурсори цистеин ҳамда метионин каби антиоксидант бирикмалар синтези учун зарурий бўлган моддалари миқдори ортаганлиги аниқланди, бу натижалар ушбу инсектицидлар таъсирида антиоксидатив тизимда ортиш кузатилганлигига далолат қилади (3-жадвал).

Диссертация ишида шунингдек карбофос, ланнейт ва суми-альфа инсектицидларининг зараркунанда хашаротларга қарши ҳимоявий функцияга эга бўлган ғўза баргларидаги оксигеназа ва гидролаза табиатли ферментлари фаолликларига таъсири ҳам аниқланди.

Ўсимликларнинг зараркунандаларга қарши чидамлилигини белгиловчи муҳим факторларидан бири бу хашаротлар сўлак суюқлиги таъсирига жавоб тариқасида юзага келувчи пероксидаза, полифенолоксидаза, аскорбат пероксидаза, фенилаланин аммоний лиаза, глутатион-редуктаза каби ферментларнинг фаоллиги билан кислороднинг фаол шакллари миқдорининг камайишидир. Пестицидлар билан ишлов берилиши оксидатив стрессни юзага келтириши ва ҳимоявий генлар транскрипциясининг инициацияси учун сигнал вазифасини бажарувчи молекула - салицил кислота миқдорини пасайтириш орқали антиоксидант ҳимоя тизимига таъсир кўрсатиши эътиборга молик. Бундай самара абамектин, тиометаксам, пирипроксифен ва ацетамиприд билан содир бўлиши аввал аниқланган.


Пероксидаза ва полифенолоксидаза катализи билан фенолларнинг оксидланиши ўсимликларнинг хашаротлар ҳужумидан сақланишдаги асосий ҳимоявий реакциялардан бири ҳисобланади. Фенолларнинг оксидланиши ҳисобига ҳосил бўладиган хинонлар баргдаги оксиллар билан бирикади, уларнинг озуқавий қийматини пасайтиради ва шунингдек хашаротларга нисбатан бевосита токсик хусусият намоён қилади. Шунга мувофиқ карбофос, ланнейт ва суми-альфа билан ишловдан кейинги 10- ва 13-кунларда ғўза баргларидаги ферментлар фаоллиги тадқиқ қилинди. Ланнейт ишловнинг 10-кунда пероксидаза фаоллигини сезиларли даражада оширган бўлсада, ишловнинг 13 кунда карбофос ва ланнейт ушбу фермент фаоллигини пасайишига олиб келган. Лекин ушбу инсектицидлар полифенолоксидаза фаоллигини икки ҳисса оширганлиги аниқланди. Суми-альфа оксигеназ ферментлар фаоллигини сезиларли даражада пасайтирди. Барча инсектицидлар билан ишлов берилган ғўза баргларида полифенолоксидаза фаоллиги ҳамда глутатион ва умумий тиол гуруҳлар миқдори ўзаро мувофиқ тарзда ўзгарганлиги аниқланди. Бу ҳолат оксидатив ва редуктив тизимларнинг мувофиқликда ўзгарганлигини кўрсатади (3-расм).



\* - оч рангларда ишловнинг 10- ва тўқ рангларда ишловнинг 13-куни акс эттирилган ( $P \leq 0.05$ )

### 3-расм. Инсектицидларнинг оксигеназа ферментлар фаоллигига таъсири

Гидролаза ферментлари – хитиназа ва глюканаза патоген ва зараркунанда хашаротлар таъсирида фаолланувчи химоявий оксиллар ҳисобланади. Phytozome<sup>2</sup> маълумотлар базасида ғўза геномидаги хитиназа изоформалари келтирилган. BLAST<sup>3</sup> гомология анализи бўйича ғўзадаги хитиназалар аминокислота кетма-кетликлари аниқланди. *in silico* усулида мавжуд биоинформатив дастурий таъминот билан хитиназалар тузилиши тавсифланди.



4-расм. Ғўза геномидаги хитиназа (I-VII синф) ларнинг бирламчи тузилиш харитаси. Ғўза хитиназалари сонининг *A.thaliana* ва *P.trichocarpa* билан солиштирилиши акс эттирилган. SP – сигнал пептидлар, CBD – углевод боғловчи домен, ■ - пролинга бой боғловчи участка, GH 18 ва GH 19 гликогидролаза доменлари, CTE – C терминал кенгайтма, △ белгиси билан I ва IV синф хитиназалари ўртасидаги узилиш участкалари кўрсатиб ўтилган; I, II ва VII синф хитиназаларида Тир-Асп-Тир-Гли, I ва II синф хитиназаларида эса Трп-Фен-Трп-Мет дан иборат мотивлар акс эттирилган. IV синф хитиназаларининг ўзидагина мавжуд бўлган мотив Цис-Арг-Гли-Про ва VII синф вакилларидаги мотив Глу-Вал-Ала-Ала-Фен кетма-кетлигидан иборат.


*A.thaliana* нинг яхши тавсифланган хитиназалари гомологияси асосида сигнал пептидлар, углевод боғловчи доменлар, пролинга бой участкалар идентификация қилинди. Илк бор ғўза хитиназаларининг бирламчи тузилиш харитаси тасвирланди. Турли синф хитиназаларининг мотивлари кўрсатиб

<sup>2</sup> <https://phytozome.jgi.doe.gov/pz/portal.html>

<sup>3</sup> <https://phytozome.jgi.doe.gov/pz/portal.html#!search?show=BLAST>

берилди (4-расм). Ушбу олинган маълумотлар ғўза протеоми ва геномидаги кейинги амалий ва фундаментал тадқиқотлар учун асос вазифасини ўтайди.

Хашаротлар перитрофик матрицаси таркибида хитин тутиши ҳисобига хитиназа бевосита хашаротларга қарши ҳимоявий фермент ва  $\beta$ -1,3-глюканаза унинг синергисти ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда инсектицидларнинг хитиназа ва глюканаза фаолликларига таъсири тадқиқ қилинди. Олинган натижалар суми-альфа ушбу гидролазалар фаолликларини сезиларли даражада камайтиришини кўрсатди. Карбофос ва ланнейт билан ишлов бериш хитиназа фаоллигини 10-кунги намуналарида сезиларли даражада ортишига олиб келган бўлсада,  $\beta$ -1,3-глюканаза фаоллигининг пасайишига сабаб бўлган (5-расм).



\* - оч рангларда ишловнинг 10- ва тўқ рангларда ишловнинг 13-куни ақс эттирилган ( $P \leq 0.05$ )


### 5-расм. Инсектицидларнинг гидролаза ферментлар фаоллигига таъсири

Тадқиқотларда баъзи инсектицидлар ўргимчаккана популяциясининг ортишига олиб келиши аниқланган. Шунга кўра инсектицидларнинг ўргимчаккана фертиллигига таъсир қилувчи икки омил: ғўза баргларидаги калий ва ўргимчаккана тухумидаги оксил-вителин миқдорига таъсири аниқланди. Қўлланилган барча инсектицидлар баргдаги калий миқдорини ва ланнейт ўргимчаккана тухумларидаги вителиннинг ўртача миқдорини камайишига олиб келган. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки қўлланилган инсектицидлар ўргимчаккана фертиллигининг ортишига олиб келмайди, сўрувчи зараркунандалар миқдорининг ортишини эса озуқавий бирикмалар ортиши ва ҳимоявий бирикмалар камайиши билан тушинтириш мумкин.

Олинган натижалар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, ғўзага суми-альфа билан ишлов бериш ҳимоявий хусусиятли иккиламчи метаболитлар: терпеноидлар ва тиоллар, оксигеназа ва гидролаза ферментлари, шунингдек стресс фитогормонлар миқдорини камайтиради.

Суми-альфанинг кўп томонлама салбий таъсирларини ҳисобга олган ҳолда кейинчалик унинг ғўза баргларидаги оксиллар профилига ҳам таъсири тадқиқ қилинди (6-расм). Ғўза баргларида энг кўп синтезланувчи оксил 54 кДа молекуляр массага эга рибулоза-бисфосфат карбоксилаза (RuBisCo) эканлиги аниқланди. LC-MS усули билан олинган натижалар оксилларнинг қисман аминокислота кетма-кетликлари Phytozome маълумотлар базасидаги битта аминокислотага фарқ қилувчи Gohir.A11G145500.1 ва Gohir.D03G077600.1 изоформаларига мувофиқ келишини кўрсатади (6

расмдаги 1-доғ). Аниқланган оксилнинг аминокислота кетма-кетлиги 7 расмда келтирилган.



**6-расм. Суми-альфа таъсирида оксиллар фонидаги ўзгаришлар**

Суми-альфа таъсирида RuBisCo нинг 245 та аминокислотадан иборат бошқа бир изоформасининг парчаланиши ва бунинг натижасида кичикрок молекуляр массали янги оксил молекуласининг ҳосил бўлганлиги аниқланди. LC-MS усули билан аниқланган фрагментлар Phytozome маълумотлар базасида келтирилган Gora1.013G111200.1 гени томонидан синтезланадиган оксилга тўлиқ мос келади. Аниқланган фрагментлар қуйидаги 7-расмда кўрсатилган (6-расмдаги 2- ва 3-доғлар).

**Gohir.A11G145500.1 (Gohir.D03G077600.1) (6 расмдаги 1-доғ)**

MSCREGLMSPQTETKASVGFKAGVKEYKLTYYTPEYEVKDTTDILAAFRVTPQPGVPPEEAGAAV  
AAESSTGTWTTVWTDGLTSLDRYKGRICYDIEPVPGEEDQYICYVAYPLDLFEEGSVTNMFTSIVG  
NVFGFKALRALRLEDLRVPTAYIKTFQGPPHGIQVERDKLNKYGRPLLGCTIKPKLGLSAKNYGR  
AVYECLRGGLDFTKDDENVNSQPFMRWRDRFLFCAEAIKFSQAETGEIKGHYLNATAGTCEEMI  
KRAMCARELGVPIVMHDYLTGGFTANTSLAHYCRDNGLLHHIRAMHAVIDRQKNHGMHFRV  
LAKALRMSGGDHINAGTVVGKLEGERDITLGFVDLLRDDFIEKDRSRGIYFTQDWVSMPGVLAV  
A(P)SGGIHVWHMPALTEIFGDDSVLQFGGGTLGHPWGNAPGAVANRVALEACVQARNEGRDLA  
REGNEIIREASKWSPELAAACEVWKAIKFEFDAVDKLDKVEK

**Gora1.013G111200.1 (6 расмдаги 2-доғ)**

VKDTDILAAFRVTPQPGVPPEEAGAAVAAESSTGTWTTVWTDGLTSLDRYKGRICYDIEPVPGEE  
DQYICYVAYPLDLFEEGSVTNMFTSIVGNVFGFKALRALRLEDLRVPTAYIKTFQGPPHGIQVER  
DKLNKYGRPLLGCTIKPKLGLSAKNYGRAVYECLRGGLDFTKDDENVNSQPFMRWRDRFLFCA  
EAIKFSQAETGEIKGHYLNATAGTCEEMIKRAMCARELGVPIVMHDYLTGGFK

**Gora1.013G111200.1 (6 расмдаги 3-доғ)**

VKDTDILAAFRVTPQPGVPPEEAGAAVAAESSTGTWTTVWTDGLTSLDRYKGRICYDIEPVPGEE  
DQYICYVAYPLDLFEEGSVTNMFTSIVGNVFGFKALRALRLEDLRVPTAYIKTFQGPPHGIQVERD  
KLNKYGRPLLGCTIKPKLGLSAKNYGRAVYECLRGGLDFTKDDENVNSQPFMRWRDRFLFCAE  
AIFKFSQAETGEIKGHYLNATAGTCEEMIKRAMCARELGVPIVMHDYLTGGFK

**7-расм. RuBisCo Gohir.A11G145500.1 (Gohir.D03G077600.1) ва Gora1.013G111200.1 оксилларининг аминокислота кетма-кетлиги. \*Идентификация қилинган аминокислота кетма-кетликлари кулранг фонда ва пептид фрагментларининг N- ва C-учлари тўқ рангда кўрсатилган.**

Phytozome маълумотлар базасида Gorai.013G111200.1 номи билан келтирилган оксил шунингдек рибосомал оксил S15 доменига ҳам эга эканлиги келтирилган. Аниқланган натижалар ушбу домен таркибига кирувчи аминокислоталарнинг узилиши ҳисобига янги оксил молекуласи ҳосил бўлаётганига далолат қилади ва янги полипептид RuBisCo доменининг шаклланиши учун етарли бўлиши тахмин қилинади.

Ғўза баргларида суми-альфа билан ишлов берилиши баъзи оксиллар экспрессиясининг ортишига олиб келди. Шулардан бири элонгация фактори EF1A изоформалари сифатида идентификация қилинди. Аниқланган пептид фрагментлари Phytozome маълумотлар базасида мавжуд изоформаларнинг 7 тасига энг кўп мувофиқ келиши кўрсатиб берилди. Ушбу олинган натижалардан суми-альфа таъсирида оксиллар миқдорининг ортиши рибосоманинг А-участкасига аминоацил-тРНК нинг боғланишини катализловчи элонгация фактори ферментларининг миқдори ортиши билан боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Аниқланган изоформалардан бирининг аминокислота кетма-кетлиги 8-расмда келтирилган.

#### **Gohir.D01G096000.1 (6 расмдаги 4-доғ)**

MGKEKTHNIVVIGHVDSG**KSTTTGHLIYKLG**GIDKRVIERFEKEAAEMNKRSFKYAWVLDKLG  
AERERGITIDIALWKFETTKYYCTVIDAPGHRDFIKNMITGTSQADCAVLIDSTTGGFEAGISKDG  
QT**REHALLAFTLGVKQ**MICCCNKMDATTPKYS**KARYDEIVKE**VSSYLKKGYNPD**KIPFVPISGF**  
EGDNMIE**RSTNLDWYKG**PTLLEALDQINEPKRPSDKPL**RLPLQDVYKIGGIGTVPVGRVETGV**LK  
**PGMVVTFGPSGLTTEVKS**VEMHNE**ALTE**ALPGDNVGFNVKNVAVKDLKRG**F**VASNSKDDPAKE  
AANFTSQVIIMNHPGQIGNGYAPVLDCHTSHIAVK**FAELL**TKIDRRSGKELEKEPKFLKNGDAGM  
**IKM**PTKPMVVET**FSEY**PLGR**F**AVRDMRQTVAVGV**IKS**VEKE**ED**PTGAKVTKSAAK**KK**\*

**8-расм. Gohir.D01G096000.1 элонгация факторининг аминокислота кетма-кетлиги.** Идентификация қилинган аминокислота кетма-кетликлари кулранг фонда ва пептид фрагментларининг N- ва C-учлари тўқ рангда келтирилган. Турли изоформаларда фарқ қилувчи аминокислоталар курсив ҳарфларда остига чизиб ажратиб кўрсатилган.

Суми-альфа билан ишлов берилиши натижасида экспрессияси ортан оксиллардан яна бири фруктозо-бисфосфат альдолаза эканлиги аниқланди (6-расм, 5-доғ). Аниқланган фрагментлар ферментнинг 397 та аминокислотадан иборат 4 та, 396 аминокислотадан иборат 2 та ва 394 та аминокислотадан иборат 2 та изоформасига мос келади. Ушбу изоформалардан учтасининг аминокислота кетма-кетликлари қуйидаги 9-расмда келтирилган. **KMVDV**LVEQNIVPGIKV**DKG** ва **KIVPGIKV**DKG пептид фрагментларининг мавжудлиги уларнинг 9-расмда келтирилган ферментнинг турли ҳил изоформаларига мос келишликларини кўрсатади. Фруктозо-бисфосфат альдолаза миқдорининг ортиши фруктоза-1,6-бисфосфатнинг қайтар реакция орқали гликолизнинг оралиқ бирикмалари бўлган дигидроксиацетон фосфат ва D-глицеральдегид-3-фосфатга парчаланиш жараёнининг тезлашишига олиб келади.

**Gohir.A13G030500.1 (6-расмдаги 5-доғ)**

MASASATLLKSSPIIDKSEWIKGQNLRHPSVCFV**RSH**PTSAAF**T**VRASSYADELVKTAKTVASPG  
**RGILAMDESNATCGKRLASIGLENTEANRQ**AYRTLLVSAPGLG**N**YISGAILFEETLYQSTIDG**KK**  
MVDVLVEQ**M**IVPGIKVDK**G**LVPPLPGSNNESWCQGLDGLSSRTAAYYQQGARFAKWRTVVSIPN  
GPSALAV**KEAAWGLARYAAISQDSGLVPIVEPEILLDGDHGDRTFEVAQKVWAEVFFYLAENN**  
VMFEGILLKPSMVTPGAECKDKATPQQVADYTLKLLHRRIPPAVPGIMFLSGGQSEVEATLNLNA  
MNQSPNPWHVSFSYARALQNTCL**K**TWGGRPENV**KAAQD**ALL**VRAKANSLAQLGKY**TGEGESE  
EAKKGMFVKGYVY\*

**Gohir.A05G317700.1 (Gohir.D05G319600.1) (6-расмдаги 5-доғ)**

MACVSFAKLNAPSSSWIGGQQSLPQRSGSSARLATRRVSLPIRAGAYTDELIKTAKTIASPGRGIL  
AIDENATCGKRLSSIGLDNTEPNRQAYRQLLLTTPGLGEYISGAILFEETLYQSTTDGKKFVDVL  
HDQ**K**IVPGIKVDK**G**LVPPLPGSNNESWCQGLDGLSSRSAEYYKQGARFAKWRTVVSIPCGPSALA  
V**KEAAWGLARYAAISQDNGLVPIVEPEILLDGDHPIG(E)**RTLEVAEKVWAEVFFYLAENNVIFEG  
ILLKPSMVTPGAENKERANPETIAKYTLTMLKRRVPPAVPGIMFLSGGQSEMEATLNLHAMNQSP  
NPWHVSFSYARALQNTVLKTWQGRPENVEAAQKALL**VRAKANSLAQLGKY**SAEGESEEA**KKG**  
MFVKGYTY\*

**9-расм. Фруктозо-бисфосфат альдолазалар изоформаларининг аминокислота кетма-кетликлари.** \*Идентификация қилинган аминокислота кетма-кетликлари кулранг фонда ва пептид фрагментларининг N- ва C-учлари тўқ рангда кўрсатилган. Gohir.A05G317700.1 ва Gohir.D05G319600.1 изоформаларида ўзаро фарқ қилувчи аминокислоталар курсив ҳарфларда остига чизиб ажратиб кўрсатилган.

Протемик таҳлилларда шунингдек суми-альфа препарати билан ишлов бериш натижасида таркибида **KVAKGKSPRK** аминокислота кетма-кетлигини тутган, нуклеозид трифосфат гидролазалар супероиласига тегишли иккита оксил изоформасининг парчаланиши аниқланди (6-расмдаги 6 доғлар). Ушбу фермент ҳозирга қадар фақатгина модел ўсимлик *A.thaliana* да аниқланган.

Диссертациянинг «**Инсектицидларнинг қўлланилиши ва улар таъсиридаги биокимёвий кўрсаткичлардаги ўзгаришларни баҳолаш усуллари**» деб номланган тўртинчи бобида флоэма орқали озикланувчи зараркунандаларга нисбатан озукавий қийматнинг ортиши баҳоланган, инсектицидлар билан ишлов берилгандан сўнг ғўзада қандлар, эрувчан оксиллар ва аминокислоталарнинг миқдори солиштирма анализ қилинган. Инсектицидлар билан ишлов берилган ғўза баргларидаги ҳимоявий функцияга эга оксиллар ва терпеноидлар даражасини аниқлаш ҳамда протеом таҳлил усуллари келтирилган.

## **ХУЛОСА**

«Кўсак қуртига қарши кенг қўлланилувчи инсектицидларнинг ғўзадаги баъзи фаол бирикмалар биосинтезига таъсири» мавзусидаги диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар асосида **қуйидаги хулосалар** тақдим этилди:

1. Турли синфларга тааллуқли инсектицидлар билан ғўзага ишлов

берилиши натижасида ўсимлик баргларида озучавий бирикмалар – эрувчан қандлар ва оксиллар миқдорининг ортиш динамикаси аниқланди. Суми-альфа, циперметрин ва аваунт билан ишлов берилиши натижасида оксиллар ва қандлар миқдори ишловнинг 10- ва 13-кунлари максимал даражада ортиши кўрсатилди.

2. ЮССХ усули билан госсипол, Н1-Н4 гелиоцидлар, гемигоссиполон ва унинг метил эфирининг миқдори аниқланди. Терпеноидлар миқдорининг максимал камайиши ишловнинг 7, 10, 13 кунларида кузатилиши кўрсатиб берилди.

3. Кислороднинг фаол шакллари глутатион – аскорбат цикли орқали зарарсизлантиришда марказий ўрин тутувчи бирикма – глутатионнинг миқдори суми-альфа таъсирида камайган, карбофос ва ланнейт билан ишлов бериш унинг миқдорини ортишига олиб келган.

4. Ғўза геномидаги хитиназа генларининг *in silico* таҳлили амалга оширилиб, *Arabidopsis thaliana* генлари кетма-кетликлари аналогияси бўйича 41 та хитиназа идентификация қилинди. Хитиназалар фаолликлари суми-альфа таъсирида деярли икки баробар пастроқ кўрсаткични намоён қилган.

5. Суми-альфа, карбофос ва ланнейт таъсирида ўргимчаккананинг репродуктив қобилияти пасайиши ҳамда унинг тухумлари фертиллигини белгиловчи оксил – вителин миқдори инсектицидлар таъсирида камайиши аниқланди.

6. Нормал ҳолатдаги ва инсектицидлар билан ишлов берилган ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларга нисбатан чидамлилигини белгиловчи иккиламчи метаболитларнинг миқдор даражасини баҳолаш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Суми-альфа билан ишлов берилган ғўза баргларида RuBisCo изоформаларидан бирининг парчаланиши ҳисобига янги оксил молекуласининг ҳосил бўлиши унинг қисман аминокислота кетма-кетлигини аниқлаш орқали кўрсатиб берилди.

8. Суми-альфа таъсирида элонгация фактори EF1A ва фруктозо-бисфосфат альдолаза ферментлари экспрессиясининг ортиши аниқланди. Оксиллар изоформаларининг қисман аминокислота кетма-кетликлари кўрсатиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,  
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**АСРОРОВ АКМАЛ МАЖИТОВИЧ**

**ДЕЙСТВИЕ ШИРОКО ПРИМЕНЯЕМЫХ ИНСЕКТИЦИДОВ ПРОТИВ  
ХЛОПКОВОЙ СОВКИ НА БИОСИНТЕЗ НЕКОТОРЫХ АКТИВНЫХ  
СОЕДИНЕНИЙ ХЛОПЧАТНИКА**

**02.00.10 - Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/K88**

Диссертация выполнена в Институте биорганической химии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Салихов Шавкат Исмаилович**  
доктор биологических наук, академик

**Официальные оппоненты:**

**Рамазанов Нурмурод Шералиевич**  
доктор химических наук, профессор

**Мавлонов Гафуржон Турдалиевич**  
кандидат химических наук

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» марта 2018 года в 12 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017./К/В/Т.37.01 при Институте биорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (+99871) 262-70-63)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биорганической химии (регистрационный номер № \_\_\_\_\_) (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел.: (+99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, E-mail: asrarov54@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» февраля 2018 года.

(реестр протокола рассылки \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» февраля 2018 года.)

**А.С.Тураев**  
Заместитель председателя Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., академик

**М.И.Асраров**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

**А.А.Ахунов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире исследование молекулярных механизмов резистентности растений к поражению насекомыми-вредителями и роли в этом процессе защитных соединений является важным направлением биоорганической химии, молекулярной биологии и биохимии растений. Защита урожая от насекомых-вредителей, патогенов, сорняков, бактериальных и вирусных заболеваний – перспективный путь повышения эффективности сельскохозяйственного производства и важная часть современной агрономии.

В настоящее время интенсивное использование инсектицидов против хлопковой совки нередко приводит к вспышке популяции сосущих вредителей, таких как тля и паутинный клещ. Это объясняется тем, что обработка инсектицидами влияет на биосинтез питательных веществ – растворимых белков, аминокислот, сахаров; защитных ферментов, а также соединений терпеноидной природы, обеспечивающих защиту растения от биотических и абиотических факторов. Зарубежными учеными исследовано влияние инсектицидов дельтаметрин, циперметрин, фенвалерат на биохимические параметры хлопчатника. В связи с этим, комплексная оценка влияния инсектицидов, используемых в Узбекистане, на питательные вещества, метаболиты и ферменты, определяющие защитную систему, не вызывает сомнений актуальности задачи.

В нашей республике предпринимаются комплексные меры по защите растений от насекомых-вредителей, что уже дало определенные результаты. В частности, определены эффективные концентрации препаратов от насекомых в зависимости от периода вегетации и других факторов. Следует отметить, что мировые потери хлопка от воздействия вредителей достигают 21-24%<sup>4</sup>, вследствие чего растения непременно обрабатываются инсектицидами. Рациональное использование инсектицидов диктует необходимость изучения влияния препаратов, используемых для сохранения урожая хлопка-сырца, на биохимические параметры растения хлопчатника. Третье направление стратегии развития Республики Узбекистан определяет задачи по «дальнейшему расширению инфраструктуры по хранению, транспортировке и сбыту сельскохозяйственной продукции, оказанию агрохимических, финансовых и других современных рыночных услуг». Для их выполнения определение влияния широко используемых инсектицидов на растения является адекватным и востребованным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует решению задач, намеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2640 от 24 октября 2017 года «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства» и Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по

---

<sup>4</sup> <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261219403002540>

